



ВИДЕОКОНТЕНТ ЖАНРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Валиев Элёржон Илхомжон ўғли

Қўқон Давлат Университети тадқиқотчиси

Аннотация. *Сўнги йилларда дунё тилшунослигида видеоконтент жанри юзасидан айрим лингвистик тадқиқотлар майдонга келди. Шунинг билан керакки, ушбу тадқиқотларда видеоконтент сўзининг лингвистик жиҳатдан аниқ тавсифи келтирилган эмас¹. Ушбу жанр бошқа виртуал нутқий жанрлар каби тил тизимида ўзига хос лингвистик ва социолингвистик хусусиятларни намоён қилувчи нутқий жанрдир.*

Калит сўзлар: *жанри аудио, видео, текст, графика, субтитр, инверсия, риторик саволлар, экспрессив талаффуз.*

Видеоконтент жанри аудио, видео, текст, графика, субтитр ва эмодзиларни ўз ичига олувчи гиперхажмли медиаматн бўлиб, диққатни жалб этиш учун лўнда, таъсирли ва тезкор услубда яратилади. Мазкур жанрда кўпроқ сўзлашув услуби етакчилик қилади. Видеоконтент жанрида ахборот алмашинув воситалари лингвистик жиҳатдан янги сўзлар, англицизмлар, сленг, интернет терминлари, қисқа гаплар, инверсия, риторик саволлар, экспрессив талаффуз, интонацион ўйинларга бой бўлиб, чақириқ, ҳазиллашиш, кўнгил очиш каби бир қатор ижтимоий функцияларни бажаради. Шуниси эътиборлики, социолингвистик меъёрлар видеоконтентда муҳим роль ўйнайди. Видеоконтент яратувчилар ёш, жинс, миллий гуруҳга мос нутқ услубини танлайди². Масалан: болаларга мўлжалланган контентда мулойим, оддий тил, ёшлар аудиториясида тез ва қўлғили лексика, халқона тарона ва шевалар миллийликни ифода этади. Айрим видеоконтентларда адресант ўзини “психолог”, “таълим берувчи” мақомда тасвирлаб, шу мақомга мос тил шакллари қўллабди. Масалан, блогерлар насиҳатомуз, таҳлилчан, ҳазиломуз услубдаги видеоконтентларни яратишади. Ҳазил нутқий жанри видеоконтент жанрида жуда кенг тарқалган кичик нутқий жанрлардандир. Ушбу жанрда сарказм ва пародия, кўп маъноли гаплар, сўз ўйинлари ва интернет мемлар орқали ҳазил ифодаланади. Ҳазил воситасида блогерлар томошабинни жалб этади, жамоа ичида ички муҳит шакллантиради, танқидий фикрни юмшоқ шаклда баён этади.

Демак, видеоконтент жанри ижтимоий ҳодиса сифатида янги жанрларни пайдо қилади. Масалан, веб-блоглар, реакция характеридаги видеолар, таҳлил видеолари, жавоб видеолари каби. Видеоконтент жанри миллий тилдаги ижодкорликни ҳосил

¹ Доронина И. К вопросу об определении понятия “видеоконтент”: номинация и корреляция со смежными понятиями // Вестник МГПУ. Филология. Теория языка, языковое образование. 2020, с 153-159.

² Что такое видеоконтент // Электронный ресурс // <https://www.unisender.com/ru/glossary/chto-takoe-videokontent/>
Мурожаат қилинган сана: 10.07.2025; Видеоконтент и его разновидности. // Электронный ресурс // <https://bulgar-promo.ru/videocontent>



қилади. Масалан, ўзбек, тожик, қирғиз тилларидаги шевага хос ва юмористик видеоларнинг кенг тарқалишига сабабчи бўлади.

Видеоконтент жанрида қўлланилувчи кичик жанрларга видеоблоглар, таълимий характердаги видеоконтентлар, таҳлилий характердаги видеоконтентлар, интервью, реклама, илҳомлантирувчи ва ҳазилли видеоконтентларни киритиш мумкин. Видеоблоглар одатда шахсий ҳаёт, шахсий фикр, шахсий тажрибаларни намоён қилиш, ушбу фаолиятлар ҳақида ахборот бериш, жонли усулда етказиш кабиларни, ўқув тарбияли видеоконтентлар эса фан, таълим, малакани оширишга ва тушунтиришга қаратилиб, муаллифлик нутқи, соддалаштирилган изоҳлар мавжудлиги билан ажралиб туради. Таҳлилий видеоконтентлар эса маҳсулот, фильм, муайян хизмат-сервис, китоб ва ҳоказоларни баҳолашлиги, танқидий таҳлилга эгалиги, маслаҳат мазмунли эканлиги, қисқача маълумот, фойда ва камчиликлар, хулосаларга бойлиги билан, интервью характеридаги видеоконтентлар эса суҳбат шаклидаги видео, ахборийлиги, фикр, таҳлил характердалиги, савол-жавоб шаклидагилиги, бир нечта шахслар иштирокидалиги билан, реклама характеридаги видеоконтентлар эса маркетинг ва сотиш мақсадида товар ёки хизматни тарғиб қилиш, турли кўринишлар ва овоз орқали таъсир қилиш, илҳамлантирувчи видеоконтентлар руҳий-маънавий қўллаб-қувватлаш, илҳом бериш ва хиссий таъсир қилиш мақсадларида ташкил қилиниб, эмоционал фон, қўшиқ, цитата, визуал драматургиядан фойдаланилади, қисқа видеолар шаклидаги видеоконтентларнинг асосий мақсади эса кулгилиги, тез ахборот етказишлиги, трендга чиқиш имконияти мавжудлиги билан характерланади. Ҳар қандай видеоконтент жанрида, унинг шаклига қарамасдан, қуйидаги тузилиш элементлари кузатилади: кириш қисми томошабинни жалб қилади, савол, мисол, шов-шувли иборалар қўлланилади, асосий қисмида эса ахборотни изоҳлаш, воқеаларни намоён қилиш, тажриба, далил, визуал контент, хулоса / якуний қисмида эса хулоса, чақириқ, лайк, подписка, ёзиб қолдириш, ўйланишга чорлаш кабилар жойлашади. Видеоконтент жанрининг ижтимоий функциялари сифатида ахборот тарқатиш, таълим бериш, кўнгил очиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, тарғибот ва ташвиқот, бренд яратиш кабиларни қайд этиш мумкин. Видеоконтент бугунги кунда алоҳида ва динамик ривожланаётган ўзига хос нутқий жанрлар тизими ҳисобланади. У турли мақсад, формат ва услубда намоён бўлади. Видеоконтент жанрини ўрганиш тилшунослик олдида муайян вазифалар юклайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Доронина И. К вопросу об определении понятия “видеоконтент”: номинация и корреляция со смежными понятиями// Вестник МГПУ. Филология. Теория языка, языковое образование. 2020, с 153-159.



2. Что такое видеоконтент//Электронный ресурс//
<https://www.unisender.com/ru/glossary/что-такое-видеоконтент/> Мурожаат қилинган
сана: 10.07.2025
3. Видеоконтент и его разновидности. //Электронный ресурс//
<https://bulgar-promo.ru/videocontent>